

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

• БАҲОСИ ЭРКИН НАРХДА •



— ГИЛАМ БУ-У-НГ, АРҚОН БУНГ

Н. МУСОМОВ сурати

**ОБУНА
БОШЛАНДИ!**

Азиз мухлислар! Сиз «Шу пайтгача обуна нима учун бошланмапти?» деб сўраб таҳририятимизга кўп бор қўнғироқ қилдингиз. Сабаб битта: бозор. Бозорнинг «авзойи» кун сайин ўзгариб турганлиги боис бу йил обуна кампанияси жуда кечикиб кетди.

«Оила ва жамият»нинг 1994 йил учун обуна баҳоси қуйидагича бўлди:

1 ОЙГА — 512 СҮМ.
3 ОЙГА — 1536 СҮМ.
6 ОЙГА — 3072 СҮМ.
1 ЙИЛГА — 6144 СҮМ.

Кўриб турибсиз, йиллик обуна пулига ... нари борганда икки қути «Мальборо» сигарети беради.

Азиз мухлислар! «Оила ва жамият»га ўз вақтида обуна бўлишни унутманг.

Обуна индекси — 64654.



УШБУ СОНДА:

ФИЕС НЕГА 31 ЁШДА УЙЛАНГАН?

«МАЙКЛ ЖЕКсонНИ СЕВАМАН»

АЛИЖОН ЕТМИШБОЕВ

«БОШҚА СОВЧИ ЮБОРМАНГ»

Кейинги

сонларда:

ХОЛИҚ ХУРСАНДОВ:

АНГЛИЯДА ҚЎРГАНЛАРИМИЗ

НОРМУРОД МУСОМОВ:

НЕЧА ЁШДА УЙЛАНГАН МАЪҚУЛ

ЖОНИНГИЗНИ КОЙИТМАНГ

Бир кун Маъмуржон Узоқовни ҳовлисига бир меҳмон чақириб келади. Тожикча шевада гапирётган одам ўзини Уратепалик деб таништиради ва:

— Ака мулло, биз ният қилиб эдик Маъмуржон ҳофизни обкелиб сўнг тўй қиламиз деб. Шу бўш вақтингизни айтсангиз ўшанда тўй қилсак.

— Э, раҳмат шунча ердан мени йўқлаб келсиз, худо хоҳласа борамиз. Лекин бирикки кундан кейин Бухоро томонларга сафарга кетаяп-

миз. Ижодий сафаримиз ўн беш кунлар чўзилса кераков.

— Биз ҳар несига ҳам кўна-миз, вақтини сиз айтинг ака мулло.

— У деса бу дебди, бу деса у дебди хуллас бир кунни белгилатиб, «заколот»ни бериб кетибди. Тўй кун ваъдага вафо бир-иккита созандалар билан етиб боришибди. Тумонат одаммиш. Қир ёнбағрига жой қилишиб, Маъмуржон акаларни қирнинг тепасига ўтқазишибди. Дастурхонлар мўл-кўлчилик. Тўй бошлабди-ю, лекин ҳеч

ким ашула эштайлик демасмиш. Бир оз ўтиришибди, биров индамабди. Тўй бошини чақириб:

— Ука, ният қилиб айтириб келдиларинг энди бириккита ашула ҳам айтиб берайми? — деса.

— Э, Ҳофиз ака, жонингизни койитмай ўтираберинг, фалончиникига Маъмуржон Узоқов келибди деган гап бўлса бўпти, — дермиш.

Турсур Али Мухаммад

«ТОМДАН ТУШИБ КЕТМА БОЛАМ!»

Жиззахнинг Бапарний стансасида шоввоз йигитчалар тўлиб келаётган поезднинг томларига... чиқиб олмоқда. Тўғри, чипта қиммат, том текин, лекин одам ҳаёти-чи!!

ТАЛАБА ЭСАНКИРАДИ

Нукус — Тошкент поезди 4-вагонда келаётган М. исмли талабанинг сумкасига ўғри тушди. Талаба дастлаб бироз эсанкираб (тўғрироғи анқайиб) турди-ю ўзига келгач, ўғрини қува кетди. Ҳарсиллаб қолган талабани провондник Қосимов тўхтатди: «Бекор овора бўляпсиз, улар жуда кўп, қайси бирини тутасиз?!» Талаба буткул эсанкираб қолди.

4 МИЛЁН 800 000 ГА НИМА ҲАМ БЕРАДИ!..

Нияям берарди шугина пулга, бор-йўғи битта магнитфонда, — деди, Тошкент тижорат дўконларининг бирдан шу нархдаги «Вануквер» магнитофонини белисанд харид қилаётган бир жаноб. Ҳа-а, оlib хайрият улгурдингиз, энди бор-йўғи битта қолди, — деди дўкон соҳиби эснаган кўйи.

ТУЛПОРНИНГ ҚОТИЛЛАРИ

Сирдарёлик таниқли чавандознинг ҳаммага маълум отини номаълум кишилар чавақлаб кетишди. Полвон отини яқинда янги «ГАЗ-24»га алмашмаган эди.

КИМГА ЖАЗО, КИМГА МАЗА

Гулистон Давлат дорилфунунида айрим талабаларга ёқин-қирамаган янглик жорий этилди. Энди сабабсиз қолдирилган ҳар бир кунлик дарс талабаларга 400—500 сўлга тушмоқда. Йўғилган маблағ эса фаол талабаларни рағбатлантиришга сарфланади.

ПАПАЙЯ — ҚОВУН ДАРАХТИ

Андижонлик Қодиржон аканинг ҳовлисида ўсаётган қовун дарахти — Папайя ҳосил берди. Иссиқ минтақада ўсадиган бу дарахт меваси ва баргидан дори ва атир-упа тайёрлашда фойдаланилади.

Етти таноб ерга экилган «қовун дарахти»ни келгусида кўпайтириш мўлжалланмоқда.

КЕЛИН «СУИҚАСД ҚИЛДИ»

Шаҳрихон туманидаги Найново жамоа хўжалигида яшовчи келин 64 ёшли қайнонасига «суиқасд қилди». Ойна синиғи билан жароҳатланган момо касалхонага тушди.

БИР ОИЛАДА УЧТА ТҮЙ

Сиёб туманининг Оби-Машҳад маҳалласида Урин бобо ва Офтобой момонинг олтин, неваралари Акмалжон ва Акбаржоннинг суннат, Умиджон ва Дилафрузининг никоҳ тўйлари бўлиб ўтди.

ЛИТРЛАБМИ ЕКИ КИЛОЛАБ!

Пастдарғом тумани матлубот жамиятига қарашли озиқ-овқат ва бошқа дўконларда пахта ёғи литр ўлчоғида тортилиб, кило ҳисобида сотилмоқда, 1 литр 900—920 граммга тўғри келишини ҳисобга олсак, сотувчилар ёмон «иктисод» қилишмаяпти.

«ЎЛГАННИНГ УСТИГА ТЕПДИ»

Жалолқудуқдаги 25-мактаб ўқитувчиси бошига оғир мусибат тушганди. Муаллима отасидан айрилиб, қирқини ўтказгач, уйига яна таъзиячи одамлар ёпирилиб кела бошлади. Улар муаллиманинг онаси руҳига тиловат қиларди, бир пайт ичкаридан «ўлган» она чиқиб келди.

Маълум бўлишича, туман «Олға» газети муаллиманинг онаси ўлди дея хабар берган экан.



ЮЗЛАРИ ШИРМОЙ-ШИРМОЙ

С. МАҲКАМОВ сурати

НОРАСОЛАРНИНГ МУШТИПАР ОНАСИ

Бу воқеани умр бўйи унутмасам керак. Саратоннинг охирларида пойтахтдан қайтаётиб, «Тошкент — Волгаград» халқаро поездига чиқдим. Одам тирбанд эди. Талабалар, ишбилармонлар, шунчаки бекорчилар...

Этиборимизни шундоқ кўшни купедаги жувоннинг куйманишлари тортиди. У бир жойда тинч ўтирмас, купесига нималарнидир ташир ва нималарнидир олиб чиқиб ташларди...

Ўзи билан ўзи овора. Йўловчиларга этибор бермайди. Баъзида у кетаётган купедан ёш йигитларнинг товушлари эшитилиб қоларди...

Кўнглингизга беҳуда ўйлар келмасин, азизлар. Бу гуноҳдан худо асрасин.

Шу кун тез қош қорайиб, ўша купеда ёш жувондан бошқа яна кимлар борлигини ҳеч ким билолмади. Ҳар ким ҳар хаёлда уйкуга ётди. Эртасига кун бўйи туркманнинг улкан сўросидан ўтарканмиз, вагонлар чидаб бўлмас даражада исиб кетди. Совут-

гичлар чала-чулпа ишлайдиган вагонда купе эшикларини беркитиб узоқ ўтириб бўлмайди. Демак, кеча ярим тунгача тиним билмаган жувоннинг ҳамроҳлари кимлигини билиш мавруди эди...

Билгандан кейин эса ҳаммамиз ҳайратга тушдик. Кўнглимиздан нохуш хаёллар ўтказганимиз учун ичимизда ўзимизни сўкдик. Таваба қилдик...

Ешгина жувон беш нафар ақли норасо ўсмир болаларни кузатиб бораётган экан. Бир нафар ақли заиф ўсмирнинг ташвишини айтинг. У эса беш нафар ўсмирга андармон бўлар, бировига ичимлик суви келтирар, овқатлантирар, баъзан... булғашган ўринларни ҳафсала билан тозаларди. Бирор марта унинг юзида норозилик ифодасини сезмадик. Чарчаган бўлсада бир зум дам олиб ўтирмас ёки болакайларни койимасди. Аксинча, уларни эркалатар, энг яхши сўзларни айтарди...

Назаримизда бахтсиз бир

аёл пешонасига битилган тақдирга тан бераётгандик, у туққан болаларини авайлаб парварিশлаётгандек.

...Кейин ҳаммаси маълум бўлди. Ешгина жувон пойтахтдаги ақли норасо болалар махсус интернатининг ҳамшираси экан. Оддий ҳамшираси эмас, ШАФҚАТ ҲАМШИРАСИ! Анча улғайиб қолган ўсмирларни эса Хивадаги худди шундай махсус интернатга олиб бораётган экан.

Бу худонинг севимли бандаларининг ўз онаизорлари шу пайтгача қаерда эканлар? Ким билади. Лекин, қаерда бўлмасинлар ташвиш азоби-ни чекмасалар бўларди. Негаки уларнинг ёнида ўз оналаридек меҳрибон, муштипар ОНАЖОНЛАРИ бор эди...

Мен дунёда оқибат, меҳр-шафқат туйғулари мангу барҳаётлигига иймон келтирдим.

Рўзимбой ҲАСАН



ОЛТИН КУЗ НЕЪМАТЛАРИ

Ҳозир айни пишиқчилик пайти. Мева-сабзавотлардан турли хил ширинликлар тайёрлашга эринмасангиз бас. Қаҳратон қишу баҳорнинг айни иликузди пайтлари ҳам дастурхонингиз яшнаб туради.

БЕҲИ МУРАББОСИ

Мураббо учун сап-сарик пишиган, бир текис, уринмаган беҳи доналари саралаб олинади. Мураббо икки босқичда пиширилади. 1-босқич: беҳилар тозалаб ювилиб, кучик шаклида ичидаги данаклардан тозалаб тўғралиб, паст оловда димлаб 20—30 дақиқа пиширилади.

2-босқич: Бир килограмм беҳига 1,5 килограмм шакар мўлжаллаб қиём тайёрлайсиз. Қиёмнинг тайёр бўлганини билиш учун тирноқларингиз устига томизиб кўрсангиз

қуйилиб тушади. Тайёр ҳолатдаги қиёмга димланган беҳи солиниб 20 дақиқа қайнатилади. Пишиш олдида унга бироз лимон кислотаси ёки ванилин шарбати солсангиз мураббо янада хушбўй ва ширин бўлади.

АТИРГУЛ МУРАББОСИ

Атиргул гулбаргининг пастки оқ жойлари кесиб ташланади. Сиздирғич (човлага) солиб тозалаб ювилади. Суви силқитилиб устига шакар сеип 2-3 соат тиндириб қўясиз. Сўнгра қиём тайёрлаб устига гулбарглар солинади. Унутманг, ҳар қандай мева 20—30 дақиқада пишиб меъёрига етади.

500 грамм гулбарг учун 1 килограмм шакар, 2 стакан сув ва бир чой қошиқ лимон кислотаси етади.

маслаҳатлар

Лимон шарбати билан ювилган ёки ҳўлланган гўшт иссиқ кунда ҳам янгидай тураверади.

Янги сотиб олинган алюмин идишларни ёғ солиб қиздириб, туз билан ишқалаб артсангиз таомларни қорайтирмайдиган бўлади.

Агар оёқ кийимларингиз нам тортган бўлса, ичига юлқа қоғоз ёки газет тиқиб қўйсиз. Қоғоз намни тортиб, тез қурилади.

Эшик, роғларни рангламоқчи бўлсангиз, хонага тузли идишлар қўйишни унутманг. Тезда ҳиддан асар қолмайди.

Дераза

СЕВГИ ЙУЛИДА СУННАТ БЎЛДИ

Майк исмли олмон йигити турк қизи Юлдузга уйланиш мақсадида Измир шаҳрига келиб, суннат бўлди. Майк, мусулмончилиқни қабул қилгандан кейин исмини «Ойтож» деб ўзгартирди. Севги йулида суннат бўлган олмон йигити Юлдузни ўзи тарбия қўрган Олмониядаги «карлар ғуруҳи»да топган эди. Томонлар тўй тараддудини бошлаб юборишди...

ХОТИНИДАН ИНТИҚОМ ОЛДИ

Руминиянинг Тамашвор шаҳрида 76 ёшида вафот этган бир кашанда, сигарет душмани бўлган хотиндан интиқом олди. Марин Чеменеску, ўлиmidан бир оз олдин ҳазирлаган васиятномасида ўзи соҳиб бўлган уч уйни хотини Надяга кунда беш дона сигарет чекиш шарти билан ташлаб кетаётганлигини билдирди. Сигарет кушандаси эканлиги учун ҳаётлиги вақтида ҳар кун унга бақариб-чақирган Надя Чеменеску, қонун-қоидага кўра, нотариус ҳузурда очилган васиятнома-ни ўқигач, ҳушидан кетди. Суд унга, эридан қолган молларга эғалик қилиш учун кунда беш дона сигарет чекиш мажбуриятини юклди.

ТЕЛЕВИЗИОН НИКОҲ

Америка Қўшма Штатларидаги телевизион станцияларнинг бирида диктор бўлган Карлос худди шу дастур ходимаси Эйм Спорер исми аёлга кўрсатув пайти ўзига турмушга чиқишини таклиф қилди. Таклиф қабул қилинган эса икки ёш ҳамма-нинг кўз ўнгига никоҳландилар.

ИККИНЧИ ОНА СУТИ

Англияда гўдаклар учун, фақатгина «она сuti»дагина бўладиган минераллардан таркиб топган сuti ишлаб чиқарилди. «Аптамия» номи билан сотувга чиқариладиган бу сuti гўдакларда тафаккур қилиш ва кўриш қобилиятларини ўстирадиган ёғли моддаларни ўз ичига олади.

«БУ НИМА БУ»!

Оллоҳ таоло бирга яшаш учун икки жинсли зотларни яратган. Бироқ Норвегия ва Данияда бир хил жинсдаги кишилар никоҳдан ўтишлари ва бемалол бир умр бирга яшашлари мумкин. Улар учун бу одатий ҳол экан,

Паҳлавон СОДИҚ, Туркия

Илоҳий ҳадислар

«Бир кимса ўзини ҳаромлардан, гуноҳлардан тия олмас мени деб ёйиш-ичишини ташлашининг ҳеч фойдаси йўқдир».

Жаноби Ҳақ Инжилда Исо Алайҳиссаломга шундай ваҳий эгди: «Е Исо! Исроил ўғилларига шунги хабар берки, менинг ризом учун рўза тутган кимсанинг вужудига сиз ҳат ато этман, унинг ажрини кўпайтирмаман».

Мусо Алайҳиссалом: Е Раб! Одам ўғли Сенга қандай қилиб шукр қилади?— деб сўради.

Жаноби Ҳақ:

— У, ўзи мазҳар бўлган неъматнинг менадан эканлигини билса, бу эътироф унинг шукронасидир, дея бурди.

Инжилда шундай ёзилгандир: «Нима қилсан, ўшани топасан, қайси ўлчов билан ўлчасан, шу ўлчов билан олсан (нима қилсан ўзингга қилсан, нима эксан, шунга ўрсан)»

«Менга дуо қилмаганга, менадан истамаганларга мен газаб қиламан (Менга ёлворганларни, дуо қилганларни севман ва дуоларини қабул қиламан)».

Валлоҳи Аълам Биссавоб.



...Ё ҲАСАН, ҲУСАН Ё ФОТИМА, ЗУҲРА

С. ЗОИР сурати

Табриклаймиз!

Жаҳоннинг

шодлиги

айғилса

бутун,



Дўстлар дийдоридан бўлломас устун!

Кадрдон дўстим АБЗАМ-ЖОН! Бугун 24-баҳорингизни қаршилаб турибсан. Бу бир ўғлон учун умр лаҳзаси. Хали сени олдинда буюк ишлар, бахтиёр кунлар кутиб турибди. Илоё, барча истак-мақсадларингизга етиб, ризқинг бутун, умринг узоқ бўлсин. Дўстлигимиз абадий сақланиб қолсин, деб ОИЛА-АБЗОЛАРИМИЗ номидан дўстинг ОЛИМЖОН.

ФАРҲОД, огайни, дўстим!

Сиз дунёга келган кунини ота-онангиз қувончи печолик фузун бўлган бўлса, бугун Сиздек биродаримиз борлигидан бизнинг ҳам умидимиз улкан. Бу фараҳ бобоимизнинг «Ҳар неки тош уни Фарҳод ушотти...» мисрасига муштарак бўлишини, «ўн саккиз минг олам ошубизнинг гўзал изтиробларини тилаб, дўстинг.

АЛИШЕР. ТошДД, журфак.

Асал қизим ГУЛБАХОРИ! Бир ёшга тўлганинг муборак. Атак-чечак тезроқ юриб, бағримизда қувнаб, яйраб-яшнаб ўсгин. Доимо бахтшодлик ҳамроҳинг бўлсин. Сени яна бир бор самимий қучиб ДАДАНГ ва АЯНГ. Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, «Меҳнат-роҳат» жамоа хўжалиги.

Меҳрибон

дадажонимиз

Сухроб

РУСТАМОВ!

Таваллуд топган кунингизга 55 йил тўлиши муносабати билан чин юракдан табриклаймиз.

Сиз Китоб тумани «Галаба» газетаси муҳаррири, ҳозирги кунда «Шаҳрисабз тонги» газетаси раҳбари сифатида аҳоли маънавий қамолатини юксалтиришда оқи-

лона ёндошиб, баҳоли қудрат ўз ҳиссангизни қўшиб келмоқдасиз. Бундан кейин ҳам ҳеч толманг. Тиллагимиз: яна шундай баҳорларингиз кўпини кўриб, ҳамisha соғ-саломат, элимиз, фарзандларингиз бошида посбон бўлиб юринг. Ҳар ишда ва турмушда Оллоҳ сизга мададкор бўлсин. Ҳурмат-эҳтиром ила: ўғлингиз УЛУҒБЕК, келинингиз ОЛИЯХОН ва БИР ГУРУҲ ДУСТЛАРИНГИЗ. Қашқадарё вилояти, Китоб шаҳри, Хромей кўчаси.

ҲАМО ва МАЛОҲАТ!

Ўғил кўрибсиз, муборак бўлсин! Исмизга мос бахт қўши соҳиблигизга эришсин. Ва Ҳумоюннинг Ҳумо ва Ҳимоси оилангизга ҳамisha қуту барака келтирсин.

Ҳурмат билан Бахтиёр ҲАЗРАТҚУЛОВ.

Оила

53 ЕШДА

Бопалигимда бир ҳодиса

рўй берган. 15 ёшимда болалар билан велосипед миниб, ўйнаб юрганимизда йиқилганман. Шу сабаб ўнг оёғимни оқсаброқ босадиган бўлиб қолганман. Табиатан кўнглим очик, самимий қалб эгасиман. Хиёнат, алдовни кечира олмайман.

Касбим — ишчи. Жиззах вилояти, Жиззах туманида ёлғиз онам билан яшайман. Яшаш шаронтим, ҳамма нарса-сам етарли. Худо хоҳласа, ўзимга муносиб бир аёлни учратсам, оила қуриб уни бахтиёр этиш умидидаман. «Оила-251» мактубларингизни интизорлик билан кутади.

Табрик эълонингиз ҳар бир белгиси (ҳарфи) 5 сўм. Битта расм (6×9 см, ҳажмида бўлиши шарт) 1000 сўм. Табриклар бир ой мuddат ичида чиқарилади. 10 кунлик мuddат билан берилса, 2 баравар қимматлашади.

Танишув эълонингиз баҳо-си 400 сўм.

«Ассалому алайкум, Сабоҳиддин ака!

Менинг мактубимни олмаганга ўхшайсиз афтидан ҳали. Уни олган бўлганингизда совчиларнинг қадимлари узилган бўларди, хонадонимиздан. Лекин уларнинг оёқлари тишилгани йўқ ҳануз. Начора...

Мактубимни олган бўлсангиз ҳам бу ҳақда ота-онанингизга оғиз очишга ботинолмаётгандирсиз. Чунки у пайтда мени бадном қилган бўласизда. Менинг шайхимни ҳурматлаётганингиз учун раҳмат. Лекин мен сизнинг бағрикенглик билан қилаётган марҳаматингизга арзийман. Аввалги мактуб ва ундаги бор гапни очикчасига айтаверинг ота-онанингизга. Бошқа илож йўқ мен учун. Акс ҳолда ёш жонимни азоба қўйган бўларди.

Бу есларнинг барини мен сизга умидворлик илнжиди очикчасига айтмаётман. Бошқа чорам ҳам йўқ. Ота-онанинг, уйдагиларнинг қуроқларига гап кирмайди энди. Тоқайгача қариқиз қилиб уйда олиб ўтиришади, ахир. Уттиз ёшга ҳам қоралаб қўйдим-да уларнинг гапига кирмай. Ягона умидим фақат сиздан.

Менинг доимий рад жавобларимдан уйдагиларнинг тоқатлари тоқ бўлган. Бахтимни сиздан топармишман. Бу уларнинг гапи албатта. Ойимларга ҳам қийин. Эшигимиз остонасини ҳатлаб келган салкам йиғирма совчининг раёини қайтаришининг ўзи бўладими. Бунинг устига бу ёқда дадамларнинг ҳам сабр косалари тўлиб тошганга ўхшайди. Энди оз-моз бўлсам ойимларнинг ниятлари ва менинг аҳволимни англаётганойсиз. Шунинг учун Сиздан ўтиниб илтижо қиламан, совчилар бошқа келишимасин бизниқига. Мени тўғри тушунарсиз...

Салом билан СОХИБА».

«Яна Сизга мактуб йўллайман деб йўлмаганим сира. Чунки ҳаммаси энди бейфойда деган қарорга келганим. Тақдирга тен бериб, нима бўлса бўлди, бор гапни олимга айтаману қолганини пешонамдан кўраман деб ҳаёл қилганим. Лекин тунов кунни шихонамиз олдидида бекатда Сизни кўрдим бу фикрдан қайтдим. Адашгандайман. Сизга ўхшатгандайман бировни эҳтимол. Нима бўлсам ўзининг сирли мактубларим «сирини Сизга очишга мажбур эрдим. Сизнинг покдил эканлигингизга жуда-жуда ишонман. Бироқ шунга яқин билганим, Сиз бу сирдан воқиф бўлажак ягона кишисиз. Умид қиламанки, у иккаламизнинг ўртамағиди қолажак.

...Бу ҳикояни бошлаш мен учун нақадар оғир. Уни эсласам бу дунёда яшаётганимдан нафратлиб кетаман. Начора. Тақдир мени шу жазога маҳкум этганга ўхшайди...

...Муҳаббат бор дейишга ишонмасдик ёшишимизда. Уткинчи кўнелиларлик, ёшларнинг ўзаро эрмакона жунунашлиги деб йўлардим уни. Талабалик давримнинг дастлабки йилларида ҳам бу фикрим ўзгармади. Аммо муҳаббат обамдан сўрамас, ёш танламас экан. Аввалги қайсарлик қилиб уни тан олгим келмай юрдим. Лекин ҳар сафар Ҳабибуллони кўраганимда кўнелим алланечук бўлиб кетарди. Ростга гап курсимиздаги кўнелим қизлар ҳам унга гоёйбона ошиқ эдилар. Ҳамма бунга билдирмасликка интиларди. Аммо уларнинг кўнелиларида нима кечаётганини хатти-ҳаракатлари ошкор этиб қўярди. Қизларга хос зийраклик билан бунга пайқаб қолардим кўпича. Уларнинг бу қилмишларидан миёнғида қулардим. Сиргимда қулсам ҳам ичимда зил кетардим, менинг қарерим кам улардан деб. Бу ўзим билмаган муҳаббатнинг рашики экан. Шу боисми дугоналаримга гаёйлик қилардим. Буларнинг барини у сезармиди-айўқми, билмайман. Аммо кўзимиз кўзимизга тушганда оташ нигоҳлари ёлқиланиб, мафтункор хечраси нурга чўлгангандек бўларди. Бу нигоҳлар бирам жилавор, бирам ёқимли эдики, ундан кўзимни узолмай қолардим баъзан. Шундай кунларнинг бирини у яқинимга келиб: «Бирга ўтирсак майлими?» деб қолди. Мен «барбир» дегандек елка қисдим. Мен билан бирга ўтирадиен Гулнора ботиб эди ўшанда. Шу-шу бўлдию у сиздан узоқлашмай қўйди. Мақта-

ниш эмасу ҳусни-жамолим ўзимга ярашган эди ўша кезларда. Бунинг устига кимсан, фалончи профессорнинг қизи деган гап ҳам бор эди.

Аста-секин у уйга кузатиб қўйилган бўлди. Мен қаршилик қилмадим. Шундай хушқомак, курсининг энг алочи талабасининг сўзини қайтаришга ийдим. Кейинчалик мен ҳам унга ўрашиб қолдим. Бир-биримизни бир кун кўрмасак туроламасдик. Шунда ҳам у менга «севаман сени» деб айтмасди. Бирга юрганамизда ҳам, холи қолганимизда ҳам у кўп сўзларди. Аммо, чиройли гапирарди. Мен эса қизиқчи билан уни тинглардим, холос. Гарчанд у «севаман» деб айтмасда, муҳаббатнинг муқаддаслиги ва боқийлиги ҳақида ҳам кўп ҳикоя қиларди. Ривоятлар айтарди. Олтин кузнинг сокин оқиомларидан бирини

фарёд чекарди. Фақат унинг ўтли нидосини ҳеч ким эшитмасди. Эшитолмасди ҳам. Бу мурғакнинг бу дунёга келиши ҳақида ҳеч ким хабар топмагани ҳали. Ҳатто раҳматли Ҳабибулло ҳам бундан огоҳ эмасди. Не қилайки, шодлик кўнларим яқин деб саноқлаб ўтказган тунларим қайғули зимистонага айланди. Энди менинг аламнок кўнелимга ҳеч нарса сўзмасди. Бу дунёда яшайдан кўра яшамаслик афзал эди мен учун. Тангри ўз раҳматига олсаиди деб яратган эгамга тавба-таваллолар қилиб чиқардим туну кун. Ниятим бу бевафо дурул фанони тарк этиб, абадиёт салтанатига йўл олган Ҳабибуллони ўз бағрига олган дорилбақога рихлат этгим келарди. Бахтимни, бадбахтлимни бу, билмадим, дугоналарим бир неча марта ҳаётимни сақлаб қолишди.

муддатидан илгари дунёга келишига сабаб бўлган экан. Бир ойдан кейин боламни қўлимга беришди. У қуйиб қўйгандек раҳматли Ҳабибуллога ўхшарди. Кўзимда эса ҳалқа-ҳалқа ёш эди. Қўлимдаги боламнинг на қилайки отаси йўқ эди. Хайриятки, яқин одамлар бор экан. Ўз паноҳларига олишди. Йўл кўрсатишди. Мен боламни, жонимдан ортиқ азиз жигарбандимни йўғлай-йўғлай чорасизликдан болалар уйига топширдим. Исмини БУНЁД қўйдим. Раҳматли Ҳабибулло битказолмаган уларни битказолмаган қўли гул Бунёдкор бўлсин деган ниятда шундай атадим.

Мана орадан йиллар ўтди. Мен эса ҳақон бир савол азобиди яшайман; Э, Худо, бу кўреуликларим недан, гуноҳим не эди. Бир ўй айланиб ҳақимга келаверади, келаверади... Наҳот бу

БОШҚА СОВЧИ ЮБОРМАНГ

у кафтини кафтимга қўйиб: «Биласанми Соҳиба, мен сени севаман, наинки севаман, жонимдан ортиқ кўраман» деди оҳиста қулоғимга. Юрагим мурғак полопондек потраб, вужудимга сиғмай қолгандек бўлди. Бошим чарх уриб айланма кетди. Бу бани башар сажода қилган муқаддас МУҲАББАТнинг энг ширин лаҳзаси экан кейин билсам. Анча фурсат ўтгач ўзимга келдим. Ҳеч нима деб жавоб қайтармадим унга. Аммо менинг ўзига бефарқ эмаслигимга шубҳа қилмади у.

Шундан кейин бир-икки соатлик суҳбатимиз тўрт-беш соатга чўзилиб кетадиган бўлди. Мен муҳаббат улустионадаги энг хушбўй гул, у эса шу гулга шайдо бўлган булбулга айлангандим. Шодумонлигимизнинг чеки йўқ эди бу оламо. Муҳаббат бахтидан кўнелимни алдаб, унинг олдига бордим. Висолага тўймай кечаси қолиб кетдим. Бу висол эса шу пайтгача иккимиз ҳам жилаволаб келган эрк тизгинини бўшатиб юбордим...

Утинман, енгилтак, ҳазис деб уйлаб, газабланманг. Мен сизга шу пайтгача юрагим қаърида авайлаб-апраб келаятган муқаддас ҳаёт сардафтаримни очайтирман.

Эртасига ростга гап бу оқеадан кўрқува тушмадим унчалик. Чунки унинг бевафоллик қилишига ишонмасдим. Шундан кейин бир-биримизга янада қаттиқроқ боғланарди қолдик.

Бу орада ўқилар туғаб, илтиҳонлар бошланди. Сўнг биз студентлар қурилиш отрядлари сафида Россия шаҳарларидан бирга жўнадик. У ерда ҳам бир-биримиздан ажралмасдик. Биз бу ерда кўп қаватли уйлاردан бирининг қурилишида иштирок этдик. Ҳабибулло студентлар орасида ҳамма ишга ҳавасманд, тиришқоқ ва қўли ўнг йиғит эди. Шу боисданми ҳақим дегунча ғишторлик касбини ўзлаштириб олди. Бундан хурсанд бўлганидан: «Уй қурсак, деворини иккаламиз кўтарамиз ҳозиредек», деб ғурурланарди, у менинг пинжига олиб. Аммо шунда «насиб этса» деган эканмиз. Шу гапдан икки кун ўтгач, у олтинчи қаватда девор ураётган пайтда оёғи гоёйб тушиб кетиб, фожиали ҳалок бўлди...

...Бу шумхабар етгандаги ҳолатимни тасвирлай олмайман. Дугоналаримнинг айтишларига қараганда, ўн кун деганда аранг ўзимга келганмишман. Ўзимга келгандай эдим, лекин ақл-ҳушим жойида эмасди ҳануз. Ўзимни қўйрга жой тополмасдим. Дугоналарим, курсдошларимнинг таскин-тасаллири кор қилмасди. Мен бу оламдаги бахти қаро, бадбахт инсонга айлангандим. Бабахтлик маҳкум этилган бир мен эмасдим. Ҳа, ҳа. Мен билан бирга яна бир инсон

Бирмунча фурсатдан кейин ҳаммамиз уйга қайтдик. Бизни кутиб олишга чиққан олим билан дадам мени зўрга танишди.

Уйга келганимдан кейин орадан икки ҳафталар ўтказиб рўй берган фалокат, бевақт хазон бўлган муҳаббатимиз ҳақида ва вужудимда мен билан ҳамнафас яшаётган мурғак жисм ҳақида оғиз очмоқчи бўлдим ойимларга, бироқ дунёга ҳали келмаган ёддақ тақдирини йўлаб лабимни тишладим.

Битирувчи курс бўлганимиз учун ўқиб бошланганига бир ой бўлар-бўлмак бизни ишлаб чиқариш практикасига жўнатишадиган бўлди. Мен яна Россия шаҳарларидан бирга йўланма олдим. Мақсадим вужудимдаги мурғак эсон-омон бу дунё юзини кўриши керак эди.

Уйдагилар менинг бу қароримни тушунолмай ҳайрон эдилар. Аммо касб-коримга кўра ўша ёққа боршим зарур экан деб туриб олгач, бошқа қаршилик қилмадилар. Шундай қилиб, ўша юртга бориб ишлаб чиқариш практикасини бошлаб юбордим. Лекин қутилмаганда иситмам чиқиб, тобим қочиб қолди. Ҳамхоналарим зудлик билан «тез ёрдам»ни чақирди. Кейин нима бўлганини билмайман...

...Бир маҳал кўзимни очсам, оқ ҳалатли икки аёл турибди бошимда. Тилим калмага келмади. Шу дамда улардан бири «Ўғилча муборак» деса бўладими. Оғзим очилиб, тошай қотиб қолдим. Ҳали вақт бор эди, шекилли-ю.

Кейин маълум бўлишича, бола етти ойлик экан. Бошимга тушган қулфат туфайли чеккан изтиробларим унинг

ўша қалтис қадамим жазоси бўлса?! Мактубни шу ерда тугатсам бўларди. Лекин шу пайтга қадар нега турмушга чиқмай келганимнинг боисини ҳам айтиб қўйяй Сизга деб йўладим.

Шундай қилиб, гапни мухтасар қилганда, ишлаб чиқариш практикасини тугаллаб келгач, ўқини тамомладим. Сўнг илмий-текшириш илмоҳларидан бирга ишга кирдим. Бу орада совчилар эшигимиз турмушни бузгудек бўлиб ота-онамега тинчлик бермай қўйишди. Шунда севаганим бор деб ёлгонладим. Улар менинг раёимга қарши боришмади. Бу орада кўзларни тўрт қилиб, йўл қаратиб икки йил ўтиб кетди. Мен айтган ва уйдагилар кутган совчиларнинг қадимлари қамалган, менинг эса ёшим ўтиб қолган эди. Ота-онанинг Сизга розилик беришини сўраб қисталане қилишаётганларининг боиси ана шунда билсангиз. Лекин мен уларнинг гапларига кириб, ота-онанинг «орзу-ҳаваслари ушалиши» учун Сизни «чўв» тушишингизни истамайман. Мен ҳам ёрман, ғамғусорим эса ер қаъридадир.

Ҳа, айтмоқчи, фарзанди аржуманим Бунёд ҳозир юзуриб-юзуриб юради. Қомандировка баҳона уни кўргани бориб тираман тез-тез. Яқин орада унинг олдига қўчиб борсам ҳам эҳтимол. Номзодлик диссертациямни ўша ёқда ёқламоқчиман.

Хайр. Сизга бахт-саодат тилайман. Менга ҳамдард бўлганингиз учун раҳмат!

Салом билан СОХИБА»

Алижон ЕТМИШБОВ,
тайёрлади



ЧУМОЛИНИНГ ҲИКОЯСИ

Ишқом остида тимирскила-
ниб юриб даройи узумнинг
уруғини топиб олдим. Қуриб
кетгур зил-замбил экан, ита-
риб ҳам, тортиб ҳам жойи-
дан силжитиб бўлмайти. Та-
ваккал қилиб елкалаб олсам-
микан, деб турган пайтим-
да, олдимдан «виш-ш» этиб
бир бадбашара махлуқ чиқиб
қолса бўладими?

Бувим кечагина ёвуз аж-
дарҳо ҳақида эртак айтиб
берган эдилар. Уша қонхўр
огзини катта очганича шу
тобда олдимдан чиқиб тур-
рибдию. У билан солишай де-
сам, эртакда аждарҳони ўди-
риган Қиличботир, афускуи,
мен эмасман. Қўлимда сил-
танса қирқ газ чўзиладиган
қилчичим ҳам йўқ.

Дарров эс-хўшимни йиғиб
олдим-у, мулоимлик билан
унга таъзим қилдим.
— Ассалому алайкум, жаноб
Аждарҳо,— дедим.

Аждарҳо аввалига негадир
ўнғайсизланиб, у ёққа бу ёққа
қараб қўйди. Кейин бирдан
кўкрак кериб «саломинг бўл-
маса, икки ямлаб бир ютар-
дим», дея менга кўз олай-
тирди. Мен эгилиб яна таъ-
зим қилдим.

Бир вақт бошимни кўтариб
қарасам, ҳозиргина қаршим-
да гердайиб турган аждарҳо
йўқ. У жанобнинг ерда ётган
барг остига шоша-пиша
кириб кетаётганини аранг
пайқаб қолдим. Гап нимада
эканлигини англаб улгурма-
ган эдим ҳамки, осмондан
бир пахлавон учиб келиб,
гурсиллаганча ерга қўнди.
Унинг шабадасидан уч-тўрт
юмалаб яна оёққа турдим.

Пахлавон патларини хур-
пайтириб туриб: «Семиз кўрт
қани?» деб сўради мендан.
Эндигина сўзга оғиз жуфт-
лаган эдим, кўққисдан шамол
уфуриб, ҳалиги барг пил-
дираганича учиб кетди-ю,
Семизкўрт номли аждарҳо
яп-яланг жойда қолди. Пахла-
вон бирдан ҳамлага ҳозир-
ланганини кўриб, унинг Қи-
личботир эканлигини фаҳм-
ладим. Бувимнинг эртакда
сўйлаганлари рост бўлса,
энди улар қирқ кечаю қирқ
кундуз жанг қилишади, деб
безиллаб турган эдим. Қи-
личботир бир калла солиш-
даёқ аждарҳони сулайтириб
қўйди.

— Қойил, Қиличботир! —
деб қичқирдим мен, завқ-
ланиб кетиб.

— Оғзингга қараб
гапир,— бирдан жеркиб бер-
ди пахлавон.— Нега мени
бошқалар билан адаштира-
сан, тирранча? Мен етти
иклимга дони кетган Чумчуқ
полвон бўламан-а!

У шундай дея жаноб
аждарҳони тишлаб олганича
яна осмонга кўтарилди.

Ҳозир бувимнинг ёнига
шошиляпман. Мен унга эртак
эмас, Чумчуқ полвон ҳақида
ўз кўзим билан кўрганларим-
ни айтиб берсам, сезиб тур-
рибманки, оғзи ланг очилиб
қолади.

...Хўп, хайр, биродар. Сен
ҳам бу фаройиб ҳикояни
ўртоқларингга сўзлаб бериб,
уларни анграйтириб қўйсанг-
чи.

Анвар ОБИДЖОН

НОСТИҲ

У шундай дарахтки, ўзи аввало,
Ун икки шох билан безапти аъло.
Ҳар битта шохида ўттиз дона барг,
Ҳар баргда иккитадан мева муҳай!

У нима, ҳар етти иқлимгадир шох,
Юз минглаб отлиқ-ла кезар у ногоҳ.
Бир заррин ниқобли отлиқ чиққанда,
Лашкари бутунлай йўқолур, эвоҳ!

У нима, кўк барги ўзига паноҳ,
Либоси жигарранг, бошда кўк кулоҳ
Бошини олишиб, кўксин ёришар,
Қизиғи шундаки, йўқ унда гуноҳ.

Бир ажаб жонивор кўрдим саҳрода,
Мингта ўқ епти-ю, кетар пийда.

У нима, оғзи бор, аммо тиши йўқ,
Оғзига не тушса қияр иши йўқ.
Бармоқни тегизар бўлсанг оғзига,
Чангалин солади, ҳеч қўрқини йўқ.

Мен бостирдим икки товук,
Бири иссиқ, бири совуқ.

Бир гўзал санамки, ётади ёлғиз,
Тонггача туғади неча юзта қиз.
Ўрнидан турганда ўлади бироқ,
Бошини кесинса жон топар шаксиз.

Бир нарса кўрдим мен, қани ўйлаб боқ,
Тўртта жон, бешта тан, саккизта оёқ!

Катта туя — думи йўқ,
Овқат учун ғами йўқ.
Дарёдан сув ичади,
Одамга ризқ сочади!

«Ҳикматнома»дан

Қадим-қадим замонда чек-
ка бир шаҳарнинг чекка бир
ғўшасида уч оғайни яшаш-
ган экан. Қўнлардан бир
кун улар дунёни айланиб
сайру саёҳат қилишга аҳд-
лашибдилар-да, йўл тадори-
ғини кўра бошлабдилар. Фур-
сати етиб баланд-баланд тоғ-
лару, даштлар, биёбонлару
қалин чакалақзорлар ўрмон-
лару чаман водийлардан ўтиб
бир шаҳарга кириб бориб-
дилар. Қош қорайиб, кеч ту-
шиб қолгани боис, илк кў-
ринган дарвозани тақилла-
тишибди.

Уй соҳиби ниҳоятда меҳ-
мондўст экан, йўловчилар-
ни очиқ чехра билан қўтиб
олибди. Уларни юмшоқ кўр-
пачаларга ўтиришни тақлиф
этибди. Орадани хийл фурсат
ўтмай, суҳбат қилиб кетибди.
Меҳмонлар уй эгаси билан
хўдди эски қадронлардек
бўлиб қолишибди. Бир пайт
меҳмонларнинг биттаси уэр
сўраб ташқарига чиқибди.

— Бу киши жуда ҳам доно
экан,— дебди меҳмон унинг
ортидан.

— Нималар деяпсиз?!—
меҳмоннинг гапини бўлибди
ўтирганлар.— Бу — Мирали,
ғирт аҳмоқ. Эшакнинг ўзи!
Уй эгаси бу гапдан ҳай-
рон бўлибди-ю индамабди.
Мирали меҳмонхонага
қайтиб киргач, иккинчи меҳ-
мон ташқарига йўл олибди.
— Бу ким?— сўрабди мез-
бон ўтирганлардан.

— Бу — Мирвали,— деб-
ди ҳозиргина ҳовлидан қайт-

— Буми,— Мирқарим,—
дейишибди Мирали билан
Мирвали.— У одам эмас,
кўппак!

Шундан кейин уй эгаси
қўшини хонага чиқибди-да,
каттақон патнис кўтариб,
меҳмонлар олдига қайтибди.
У Миралининг олдига қим-
матбаҳо биллур идишга со-
линган сула, Мираалининг
олдига хўдди шундай идиш-
да кунжара қўйибди. Мирка-

МИРАЛИ, МИРВАЛИ ВА МИРҚАРИМ

ган Мирали.— Юриш-тури-
шининг ҳўқиздан фарқи йўқ.
Ҳўқиз!

Меҳзон бу сафар ҳам ҳай-
рон бўлибди, аммо индамаб-
ди.

Мирвали хонага қайтиб
киргач, ташқарига учинчи
меҳмон чиқибди.

— Бу ким?— сўрабди уй
соҳиби.

римга суяк солинган идишни
узата туриб:— Қани мар-
ҳамат, меҳмонлар, олинлар,
ош бўлсин!— дебди.

Уч оғайни аввалига лол
бўлиб қолишибди. Кейин
уй эгасининг нима учун бун-
дай қилганини тушунишиб,
анордек қизариб кетишибди.
Абдураҳмон АКБАР
таржимаси

КўР ЭМАСМАН

Саволга тутар Олим,
Уйнаб юрган Ҳакимни.
Айт-чи, менга, синфингда —
Емон кўрасан кимни?
— Жуда қизиқсан дўстим,
Гапингни ўйлаб гапир.
Тушунсанг-чи сен мени,
Мен кўр эмасман ахир.

СОВУҚ-ДА

— Аливой айт-чи, дўстим,
Антарктида нечун оқ.
— Музлик расмин чизишга,
Етмай қолганда бўёқ.

ҚИШЛОҒИМ

Автоларнинг дудидан,
Қочиб келдим бағрингга.
Кўксимни бериб ётай,
Гул ҳидли чорбоғингга.

ШАМОЛПЛАШ

Иссиқ печкани ушлаб,
Ҳайрон қолиб дер Насим.

Унинг ҳам менга ўхшаб,
Ошибди иситмаси.

Оллоёр БОБОНОВ
Алишер Навоий номли Нафис
санъат мактабининг толиби

ҲЎРОЗИМ

Ҳўрозим бор жиғадор,
Овози ваҳимадор.
Жилвадор тожи — тароқ,
Ҳашамдор думи — ўроқ.
Кескир чўкич юзида,
Жасорат бор кўзида.
Сиёсат қил қўяди,
Чўқиса-чи, ўяди.
Товуқларга бош, иноқ,
Қўрқмас, ботир, уришқоқ.
Қанотини очади,
Жўжаларин қучади.
Азон айтиб ҳар тонгда,
Етма,— дейди,— беҳуда.

А. НАЗАРОВ
165-мактабининг
5-б синф ўқувчиси



— КЕЛАЁТГАНЛАР КИМ ЭКАН!

Абдул Ғани ЖУМА сурати

ТОҒАНГ ЎЗГА ЮРТЛАРДА ЯШАЙДИ

Инсон қалбида эзгу хотиралар, утилмас воқеалар билан яшамаса, унинг босиб ўтган умр йўли ғариб ва зерикарли бўлиб туюлади. Чунки бу хотиротлар унинг умрига сайқал беради, ички дамларни, нури кунлар ёди билан мунаввар этади.

Бола эдик. Мунис ва меҳрибон она-жонимнинг мунгли кўзлари доимо ғамгин кўринарди. Баъзан бурчак-бурчакларга бориб кўз ёши тўкиб оларди. Сабабини сўрасак: «Бир кам дунё, бир қориндан туғилмоқ бору, бирга яшамоқ қийин экан, болаларим. Ешлигимда туғишган акамдан тирик ажралдим. Тоғанлар ҳозир ўзга юртларда яшашпдилар. На хат ёзишми, на-да бошқа хабар бор, дийдор кўримоқни-ку гапирмасам ҳам бўлади»,— дердилар.

Ажиб дунё экан. Кимлар масрур яшаса, кимгадир бу олам армон бўлиб кўринади. Тақдир ҳазилими, билмадим тоғам ҳам, онажониму ойимлар ҳам ҳаммаси 1938 йилларда Хитой давлати томон йўл оладилар. 1960 йилда тоғамдан бошқа барча туғишганлар яна Тошкентга кўчиб келадилар. Тоғам катта лавозимларда ишлагани сабаб Урумчида қолиб кетади. Шундан сўнг айрилиқнинг азоблари, ҳижронли кунлар бошланади. Онажоним маънос лексин умид билан «барибир бир куни акам билан дийдор кўришаман» деган ниятда яшарди. Яхши ният ярим мол деб бежиз айтишмаган экан. Кунлар ўтиб тоғамдан хат келди. У кун бизнинг ҳаётимизда ажиб, эсдан чиқмас кунлар эди. Ниҳоят 1989 йил 30 йилдан ошиқ учрашмаган ака-сингиллар дийдор кўришдилар... Менинг ҳам юрагимда бир армон бор эди, тоғамни кўрамакинман, биз ҳам «тоғам» деган сўзни ишлатарқанмизми!— дея армон че-

киб кун ўтказардим. Хуллас, одамзот неки яхши ният қилса, албатта ижобат бўлишига ишондим. Урумчига бориб, тоғамни, келинойимни, ўғил-қизлари, келин-куёв, невараларини кўриш бахтига муяссар бўлдим. Тошкент — Урумчи поездига ўтириб кетялману, хаёлларим олис-олисларда сайр этади. 32 йил кўрмаган, умрим бино бўлиб сўзини эшитмаган, фақат онажоним орқалигина тасаввурга эга бўлган қариндошларим билан қандай дийдорлашаман? Улар мени, мен уларни таний олармиканман?... Шундай хаёллар оғушида йўлдошимнинг менга мурожаат этаётганини ҳам сезмай қолибман. «Қизим, намунча хаёл сўрасиз, бироз биз билан гурунглашиб ўтиринг. Поездга чиққанингиздан бошлаб хаёл сурганингиз сурган. Фулжада кимингиз қолган?

...Индамайман. Хаёлларимни чалғитиш учун бепоён Қозоғистон чўлларига боқаман. Нақадар кенг бўлмаса бу чўллар. Ана ҳадемай чегарага ҳам келамиз. Бир неча кунлик уйқусизлик барибир ўз кучини кўрсатди. Ухлаб қолибман. Бир вақт ёнимдаги онажонинг: «Қизим туринг, чегарага келдик, бундан бу ёғи Хитой» деган гапидан уйғониб, кўнглим алланечук бўлиб кетди. Мен учун тилсим бўлган, ҳали эшикларни очилмаган дунёга қадам ранжида қилялман. Ҳамроҳларим эса эҳтиёт шарт юзасидан дорилар ичиб, ўзларини бўлажак ҳаяжонли, кўз ёшли учрашувга тайёрлашяпти...

Тонг чоғи. Поезд қаттиқ силкиндади, тўхтади. Урумчига келибмиз. Поезддан тушдик. Кутиш зали одам билан тўлган. Одамлар бир-бирини ўпган, кучоқлаган, юрак-юракдан зилиб йиғлаган... Бу манзарани кўриб бир қадам ҳам юролмай қолдим. Шу ҳолатда жойимда қанча турганимни

билмайман, бирдан нигоҳим кимнингдир истарали ва иссиқ нигоҳи билан тўкнашди. Худди онамга ўхшаган бу одамнинг тоғам эканига шубҳам қолмади ҳисоб. Тоға, тоғам демоқчи бўламану, кўзларимдан дув-дув оққан ёшларни ҳам артолмай ўрнимда қотиб туравераман. Мен томон оҳиста келаётган бу одам ҳам жуда ҳаяжонда эди. Оппоқ сочли тоғамнинг ёш боладек ўксик ҳолати қалбимда умрбод муҳрланиб қолса керак. Бир автобус бўлиб келган қизлари, келин-куёвлари даврасида тоғамнинг хонадони томон йўлга тушдик... Урумчида бир ойдан кўпроқ турган бўлсам, у ердаги одамларнинг самимийлигию, соддалигига қойил қолдим.

Бироз бўш вақтим бўлганлиги учун у ер, бу ерга томошага чиқдик... Хитойда Қурбон ҳайити кунлари айниқса файзли бўлар экан. Эрта тонгдаёқ ноғораларнинг овози оламини тўтди. Ҳар бир оила қўй сўйиб, уч кун гўшт пиширар, баҳоли қудрат дастурхон безаларкан. Бир ойгача ҳайит чойи бўлиб дастурхонлар йиғиштирилмайди. Қайси миллат бўлишдан қатъи назар хоҳлаган хонадонга ташриф буюриларверади. Ҳар бир киши албатта янги кийим кийиши шарт. Урумчида яна бир нарсга аҳамият бердимки, одамлари бениҳоя меҳнатқаш, у ерда ҳамма нарсга кўл меҳнати билан бунёд этиларкан. Соя-салқинларда дам олувчиларни кўрганим йўқ. Болалар жуда кўп вақтини муталаага беришаркан. Имтиҳон кунлари ота-оналари худди байрамдагидек болаларининг илмгоҳларига бориб туришарди. Ота-онанинг мансаби фарзандлар учун мутолақа аҳамиятсиз. Масалан, менинг тоғам министр. Лекин фарзандлари оддий ўйларда яшашади. Бу фалончининг қизи ёки қариндоши деган гаплар йўқ. Агар кучли билим-

га эга бўлсангиз ўзингиз яхши уйларга, мансабли ишларга эга бўласиз. Тоғамнинг икки куёви, бир ўғли Америкада ўқишаркан. Болалар ҳам чет тилларнинг кўпини мукамал эгаллашган.

...Ҳар нарсанинг боши ва охири бўлади. Урумчида ўтказган бир ярим ойдан ошиқ фурсат ҳам ўтиб, уйга, ота-онам ҳамда яқинларим томон йўлга тушиш арафасида турибман. Тоғамнинг эса ҳеч юборгиси йўқ! «Яна икки ҳафта тургин, 15 кун, сенга ҳеч гап эмаску, бизнинг бағримиз тўлиб кетди. Яна озгина қолгин»,— деб ёлборди. «Шунча қадр-қимматга эга эканман, наҳот буни Тошкентда сезмаган бўлсам!»— дея ҳазиллашаман. Кетишим керак, мени кутишяпти, бора. Озгина фурсат ўтгач, сизлар ҳам борарсизлар...

«Урумчи — Тошкент» поезди аста жойидан кўзгалди. Мени кузатиб чиққан 20 дан ортиқ қариндошларимга боқишдан кўрқаман, негаки кўзларим тўла ёшларни улар кўрмасин дейман. Шохбекатдаги одамларнинг ўзаро хайрлашишлари, яна кўришармиканми, — дея мунгли нолалари сикилган юракларни янада эзар эди. Бир вақт тоғам вагонга чиқдиларда пешонамдан аста ўлиб, кўзларимга узоқ тикилдилар. Мен ҳам сўзсиз қотдим. Мана шу сукунатда биз бир-биримизга айтолмаган юракдаги гапларимизни айтиб бўлган эдик...

...Уч кунлик йўл юргандан сўнг Тошкентга етиб келдим. Шохбекатда барча қариндош-уруғларимиз кузиб турган экан. Аввало онажонимнинг кучоқларига отилдимда, тоғам, тоғажоним албатта келадилар, худди сиз каби меҳрибон ва қалби яримта акангиздан катта салом келтирдим,— дедим.

Мана яқинда қувончли телеграмма келди. Тоғам ва келинойимлар Тошкентга келишаркан. Назаримда бизнинг уйимиз ҳам, шаҳримиз ҳам тўлиб кетаётгандек.

Севара ҲОШИМОВА

● Аҳмад ЯССАВИЙ ●

ҲИКМАТ

Ҳар киши кўрса, жамонинг дунё ишин барбод этар,
Кеча-кундуз тина билмас, худойини ёд этар.

Ким онинг куйида бўлса, ҳақ онинг кўнглидадур,
Ҳар сори борса ўшал ёри билан парвоз этар.

Кошки мен доим сенинг ёдинг билан бўлғай эдим,
Боқининг юз минг менингдек бандани озод этар.

Маърифат майдони ичра бу кўнглини шод этиб,
Дунёсин тарк айлаганлар Ҳақ билан савдо этар.

Ориф улдур бўлса ошиқ, ҳалқада жавлон этиб,
Истиёнатни тилаб, ул пирни колкон этар.

Ҳуш ажойибу ғаройиб Худонинг ишлари,
Бирисин гўё қилибон, бирисин гунг, кар этаф.

Кўргил, ушбу дунё учун қўб жафолар айласанг,
Охири ҳеч ушбу дунё, ер билан яқсон этар.

Кеча-кундуз орзу қилсанг онинг дийдорини,
Соф қилгил бу кўнглини, бир куни дарбор этар.

Эй кул АҲМАД, сен юруб ғамгин кўнглини овлагил,
Аҳли дил бўлган киши ғамгин кўнглини шод этар.



СУРАТГА ТУШИШ ГАШТИ

* * *

XX-аср дунё эстрадасининг энг машҳур «юлдузи» Майкл Жексон ҳақида билмаган киши кам. Гўёки, бу инсон шахси мусиқа шинавандаларининг «жинини кўзгатувчи катализатор»дир.

Майкл Жексон мусиқа — «жами миллатларга тушунарли тил» эканлигини исботлади. Ва ўз қўшиқлари билан жуда кенг танилиш бахтига муяссар бўла олди.

Қуйида биз жексонлар оиласи ҳақидаги китобдан баъзи бир ўринларини келтиришни лозим топдик. Китоб Майкл Жексоннинг синглиси Ла Тойя хотираларидан тузилган.

* * *

МАЙКЛ ЖЕКСОННИ СЕВАМАН

ҳамиша сен-ла биргаман» номли алоҳида диски милён нусхада тарқалди.

1984 йилда қаттиқ куйган териси тузалгач, Майкл инсон организмнинг қайта ўсиб чиқиши жараёни (регенерация)га қизиқиб қолди. У бир қанча оператсияларга халат ва ниқоб кийиб қатнашишга рухсат олди. Тиббий адабиётни ўқиш асносида эса Майкл турли физиологик аномалиялар ва Сиём эгизаклари, одам-амфибиялар ҳақида соатлаб мулоҳаза юритиб, ҳатто мутахассислар билан тортиша оларди. Худди шу иштиёқи учун матбуот Майклга «касалик телбаси» деб таъға босди.

Майкл ҳеч қандай дардни

олиб юрар, ҳатто самолётга ҳам ёнма-ён жойлашарди.

Хайвонхерстда уйимизга тез-тез таниқли кишилар келиб-турарди. Марлон Брандо, Софи Лорен, Муҳаммад Али ва Элизабет Тейлор шулар жумласидан.

1983 йил бошида «Триллер» 50 милён нусхада сотувга чиқди. Тақдим этилган қўшиқларнинг кўпи «хит-парад»ларда биринчи ўринни эгаллаганди. Булар — «Триллер», «Қачонки мен, неки бошласам», «Инсон қалби», «Маргубим» ва Пол Маккартни билан бирга яратилган «Мен севган қиз» қўшиқлари ҳамда кутилмаган беш пластинка: «Сени севги қутқаради», «Қайтаман», «Хайр» сўзин тилингла олма», «Мен ҳамиша сен-ла биргаман» «Ойдинда сайр» ва ҳоказолар эди.

Санитарлар зўрга етиб келишади. Жароҳат оғир эди, кутиш бундан баттар оқибатга олиб келиши мумкин. Жарроҳлар икки оператсиядан кейин кўйик излари бутунлай қолмаслигини таъкидлашди.

Майклнинг шухрати ва пули кўпгина аёлларга тинчлик бермасди. Мен Майклга бир неча марта аёллар унинг ўзини эмас, қўшиқ ва машҳурлигини севганини айтгандим. Майкл эса ҳали ёш, ўзга жинс билан мулоқотда тажрибасиз эди. Шу сабабли кўпинча чув тушарди.

1982 йилда Майклнинг «Емон» номли пластинкаси ҳаддан зиёд кўп миқдорда — 15 милён нусхада сотилди.

Майкл: «Энг муҳими — қўшиқ. Мен ирқлар ҳақидаги ҳеч қандай гапни ҳазми қилолмайман. Ишонманки, қачонлардир ҳамма одамлар бир-бирини ТУШУНИШИНИ ва СЕВИШИНИ ўрганишади»,— деганди.

Яна, «Триллер»да у: «Мусяка — ҳамма нарсадан устун, мен бутун дунё одамларининг «МАЙКЛ ЖЕКСОННИ ва унинг қўшиқларини СЕВАМАН, ирқи ва тани рангининг аҳамияти йўқ»,— деган иқронини эшитиш бахтига муяссар бўламан, дея мусиқа оҳанги остида таъкидлаганди...

Алишер ШОЙИМ
тайёрлади

«Беш Жексон»нинг 1965 йили Рузвельт олий мактабиде бўлиб ўтган танловда қатнашиб ғолиб чиқиши бутун оиламизни ҳайратга солди. Биз бу кутилмаган қувончдан беҳос устига совуқ сув сепаиб юборилган боладай энтикардик. Сабаби: ғолиблар — танловнинг энг ёш қатнашчилари эди. Улар илк чиқишлариданоқ шу қадар маҳорат кўрсатдики, ҳатто томошабинлар бу «машҳур» қўшиқчиларнинг ёшини ҳам ёддан чиқаришди.

1967 йили тўнгич Жеки 16 ёшда, Майкл эса эндигина 9 ёшга чиққанди.

1969 йилнинг августида Дайана Росс Дездеида энг машҳур Ҳолливуд дискотекбарини «Беш Жексонга берди. Эълонларда шундай ёзилганди:

«Беш Жексон» ва унинг 8 ёшли (аслида 10 ёш) дилбар иштирокчиси Майкл Жексон бу кеч сизнинг хизматингизда. «Мотаун» янги ҳайратангиз дастурини эйтиборингизга ҳавола этади».

Кейин болалар Дайана Росснинг Лос-Анжелосдаги концерт дастурида иштирок этишди. Октябрда эса уларни Ҳолливуддан олиб берилган телевизион шоуда кўриш мумкин бўлди. Дайана Росс бу чиқишни қайта намоиш этди. Ва шу ойи «Мотаун» «Беш Жексон»нинг «Қайтаман» номли биринчи пластинкасини чиқарди. Бу дискни онамиз эшитиб хурсанд бўлди. Бироқ нимагадир лоқайдлик билан — Бунда ўғилларимнинг истеъдоди бутунлай очилмабди. Улар ҳаётда анча дуруст айтишади,— деди.

Шундай бўлса-да, диск 70-йилларнинг энг оммалашган ёзуви бўлди. Чунончи, 10 ой ичида 6 милён пластинка сотилиб улгурди. «Лайф» журнали бунга «қора мўжиза», «Лук» эса «бу гуруҳ қўшиқ дунёсини ўн кечада уйкуга ётқизди», деб ёзганди. Бу ҳақиқат эди «Қайтаман» бир неча ҳафтада негр ёшларининг эйтиқодига айланди. Кўплаб мусиқий журналлар амалда Жексонлар туфайли кун кўра бошлади. Улар ойдан ойга, мамлакатдан мамлакатга ошиб бораётган «қора» мусиқанинг ашаддий шайдолари эди. Гуруҳнинг бутун борлиги (рангли суратлари, ҳаракатлари, рақслари ва ҳоказо) газет ва журнал саҳифаларига гўёки «тилло суви» сифатида «югуртирилди». Хуллас, ҳақиқий «жексономания» бошланди.

Бор йўғи бир йилда «Беш Жексон»нинг тўртта пластинкаси чиқди, уларнинг ҳар бири милёнлаб нусхада кумга тушган сувдек муҳлислар қалбига сингиб бораверди.

Майклнинг 14 ёшида «Мен

кўтара олмасди. Оч Африқо болаларининг ойнаи жаҳондаги кўриниши ҳам уни йғлашга мажбур қиларди.

Хайвонлар бутун оиламизнинг дўсти эди. Бибблз исми меймунни оиламизнинг бир азоси деб билардик. Бибблз ёш бола табиатлиги, ишонувчан ва содаллиги билан Майклнинг ҳақиқий дўстига айланганди. Майкл баъзан ўзига бирон нима олса, албатта, Бибблзга ҳам қўшиб оларди. Маймун уйнинг ўртасига чиройли кийим ва нарсалар тоғини уйиб ташлар, бу ҳол Майклнинг иштиёқини кўзгарди. Ҳар кун Бибблз Майклнинг буйруғига биноан пижаме кияр, каравотнинг устида худди намоз ўқиётгандек тиз чўкарди. Кейин кўрпага кириб, уйкуга кетарди.

Эрталаб туриш эса унга жуда оғир. Майкл унинг қулоғига: «Бибблз туриш керак...» деб шипшиганда ҳам шимпанзе фақат эснаб кўяр ва бошқа ёнга ағдарийиб, бошини яхшироқ ўраб олиб, ётаверарди. Уртада кўрпа тортишиш бошланар, охири Бибблз ўрнидан туриб, ваннага тушар ва тишини юварди. (Рост gap!) Кейин бошининг, қўлларининг жунини тарарди. Ва крассовкасини кийиб, биз билан овқатланишга ўтирарди. Майкл ҳамиша Бибблзни ўзи билан

Спорт оламида

РУУД ГУЛЛИТ «МИЛАН»ДАН КЕТДИ

Дунёдаги жами футболсевар аёл-эркакнинг энг ёқтирган футболчиси, 1988 йилда Оврупо чемпиони бўлган голландиялик Рууд Гуллит ўз ихтиёрига кўра клубини ўзгартирди. Гуллит шу пайтгача Италиянинг «Милан» командасида асосий ҳужумчилардан бири эди. Яқинда у шу мамлакатнинг бошқа бир клуби — «Сампдоррия» сафига қўшилди. Қўшилди-ю, навбатдаги тур ўйинида рақибни «Аталанта»нинг дарвозасига 28 дақиқанинг ичида 2 тўп киритди. Унинг собиқ командаси эса кейинги турда ўз майдонида катта қийинчиликлар азвасида дуранга эришди.

ФРАНСУЗЛАР ТОР-МОР БЎЛДИ

Мамлакатнинг кўпқарра чемпиони бутун дунёга донг таратган «Марсел» футбол командасининг бошига оғир таъиниш тушди. Команда ФИФА томонидан Китъаларро ҳамда Оврупо суперкубоги баҳсларида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Шунингдек, команданинг бир нечта аъзолари ҳам футболдан бутунлай четлаштирилади. Бунга асосий сабаб команданинг мансабдорлари инсофсизлик билан ўз вазифасини сумистеъмол қилишган ва катта миқдорда фойда кўришмоқчи бўлган.

КАРПОВ — ТИММАН: 16 ОКТАБР...

Шахмат бўйича жаҳон чемпионати мусобақасида донг суратган Карпов (Россия) — Тимман (Голландия) ўртасидаги дуранининг иккинчи яри 16 октябр кўни ўтказилди деб бўлди. Ҳозирга қадар ўтказилган ўйинлар натижасига кўра Карпов 7:5 ҳисобида олдинда бормоқда.

«МУШТУМЗЎРЛАР» ТОШКЕНТДА

Шу йилнинг 5 октябрида мамлакатимиз пойтахтида бокс бўйича навбатдаги халқаро мусобақа бошланди. Унда собиқ СССР таркибига кирган ўғиллардан ҳамда ер шарининг Оврупо ва Урта Осиё қисмида жойлашган бир неча мамлакатлардан таниқли чарм қўлқоп усталари қатнашапти. Рақибларни шу пайтгача ҳали ҳеч кимга берилмаган тарихий ва обрўли совринлар кутмоқда.

Н. Қ.



Нормурод МУСОМОВ сурати



ҒИЁС НЕГА 31 ЁШДА УЙЛАНГАН?

Ғиёс Бойтоевнинг ҳар бир кўшиғини сабрсизлик билан кутамиз. У шунчаки эмас, дилдан ёниб куйлайди.

— Кўпгина кўшиқчилар билан мулоқотда бўлман, — дейди шоир Муҳаммад Юсуф. — Лекин уларнинг ичида энг халол ва ростгўйи, одамийси Ғиёс...

Ғиёс билан учрашганимда шоир сўзлари ростлигига мен ҳам ишондим. Камтар, одобли, ортқча савол бермасангиз қизариб жимгина тураверадим.

Севимли хонанда Қозғистоннинг Чимкент вилоятидаги Сайрам туманининг Қизил кишлоғида ўсиб-ўлғайди. Акаси Аваз Бойтоев ва устози Саидқабар Саидовдан кўшиқ айтиш сирларини ўрганди.

1978 йили Тошкент Давлат Маданият олийгоҳининг халқ чоғу асбоблари бўлимига ўқишга кирди. Хонанда камолотида билим даргоҳи муҳим аҳамият касб этди. Телман Ҳасанов раҳбарлигидаги «Нилуфар» гуруҳига катнашиб юрди.

1982 йили олийгоҳни тугатиб, Сайрамда, она кишлоғидаги музика мактабда музикадан дарс берди. Ҳозирги кунда Ёшлар Иттифоқи қошидаги санъат гуруҳининг раҳбари бўлиб ишламоқда. Ғиёс Бойтоев ёш санъаткор дўстлари Акбарали, Иқбол, Маъруфжон, Гофуржонлар билан биргаликда яхши умидлар билан гуруҳга «Умид» деб ном қўйишган.

— Гуруҳингизга кимларни қабул қилгансиз!

— Акбарали Асқаров Намангандан, Иқбол Саидов Фарғонадан, кларнетни йиғлаиб юборади.

— Анави бас гитара чалаётган йигит ғирт ўрс-ку, тилмизини ҳам билмайди. Қандай қилиб ўзбекча мусиқа чалади!

— Ҳа, Вадим Лоргин — рус йигити санъат шунақа илоҳий мўъжиза. Ўзбекчани билмаса ҳам мусиқани яхши тушунади.

Ақсарият кўшиқларингиз Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб. У сизга атайин ёзиб берадими!

— «Алда мени» шеърини кўшиқ қилдим. Сўнг «Онаизор», «Райҳон», «Бевафо кўп экан» «Елғончи ёр», «Қизғалдоқ», «Тилло сандиқ», «Рустам қори» марсияси каби йиғирмага яқин шеърлари худди менга атаб ёзилгандай, сезилди. Куйга солдим, ўзимга ҳам, одамларга ҳам мансур бўлди.

Муҳаммад Юсуф билан худди ака-укадек бўлиб қолганми. Сўнгги пайтда ҳар бир янги шеъри боя айтганимдай, овозимга мос тушяпти. Ҳозир яна 3—4 янги кўшиқлар тайёрлапман.

— Ғиёс, машҳур кўшиқчи-сиз. Лекин нега ҳануз ижарада турибсиз! Тошкентда уй олиш шунчалик мушкулми!

— Ҳа, мушкул. Қолаверса, мен шаҳарда яшашга қийналанман. Қишлоқ — жоним, бўш қолсамоқ, «Объёмга ўтирмаман-у, уйга жўнайман. Чимкент қочиб кетгани йўқ. Тошкент билан ораси 160 чақирим, холос.

— Бўш вақтингиз бўладими!

— Бўш вақтларимда қишлоқда юришни, кетмон чопишни яхши кўраман. Дадам билан томорқада иш қилиб хузурланман.

— Сизни кунда 2, ҳатто 3 марталаб радиода кўши-

ғингиз янграйди. Телевизорга ҳам тез-тез чиқасиз. Битта кўшиғингиз учун қанча пул тўлашади!

— Ҳеч қанча! Кўшиқ кенгаши бир кўшиқни тасдиқлаб эфирга рухсат берганда озгина пул беришади. Сўнгра у кўшиқ 10 йил, 20 йил радиода қўйилса-да, бир тийин ҳам кўшиқчига пул берилмайди.

— Худди шу савол билан Ғиёс билан бирга ўтирган Муҳаммад Юсуфга ҳам муурожаат қилдим.

— Радио, телевизор кўшиқларим матин учун бир тийин ҳам бермайди. Газета, журналлардан, китобларимдан қалам ҳақи оламан, холос.

— Ғиёс, энг севган кўшиғингиз қайси!

— Бу саволингиз ғалати бўлди-ку! Мен эндигина ота бўлдим. Лекин ота-она учун фарзанд ўнга бўлса ҳам ўрни бошқа, дейдилар. Менимча кўшиқ ҳам шундай. Кўшиқларимнинг ҳаммасига бор меҳримни берганман. Балки, шунинг учун бўлса керак кўшиқ шинавандаларига ёқаман.

Суҳбатдош:
Малик БОЙМАТОВ

ПАКАНАЛИККА САБАБ НИМА?

Кўчада ўрта бўйлардаги уч нафар қиз кетиб борарди. Уларнинг энгинасидан ёши йиғирма бешлар атрофидаги бўйи «бир қарич» одам ўтиб қолди.

— Вой, анаву одам мунча пакана бўлмаса? — деди қизлардан бири дугоналарига қараб.

— Онаси сўт бермагандир-да, — деди иккинчи қиз.

— Бечорани худо бўйдан қисбди, — қулган бўлди учинчиси.

Қизларнинг бу пичинги мени ўйлантириб қўйди. Дарҳақиқат, паканаликка сабаб нима? Шу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмизми? Мен шифокор эмасман, бироқ бу ҳусудда ўз фикрларим йўқ эмас. Юқорида келтирилган суҳбатдаги иккинчи қизнинг гапида жон бор. Менимча, паканаликка асосий сабаб инсоннинг гўдақлигида она сутига тўла қонмагандир. Бинобарин, гўдак она сутига қонмадими, унинг келажакда бўйи яхши ўсмайди. У вақт ўтгандан сўнг бўйи ўсиши учун минг уринсин (турникка тортилади) ёки ўзини резинка мисол чўзадими) барибир фойдаси йўқ! Фарзанднинг нормал ўсиши кўп жиҳатдан ота-она меҳрига, эътиборига боғлиқ, деб ўйлайман. Баъзи ота-оналар эса фарзандининг келажиги, тақдири билан умуман қизиқмайди, ташлаб қўйишади (туғилгун, бу ёғини ўзинг эпла). Гўдақлигида она етарлича сўт, витамин овқатлар бермайди. (Қизганадими-ей).

Паканалик, айниқса йиғитга ҳарбий хизматга берганда жуда панд беради. (У ерда эса бўйи икки метрдан ошадиганлар бўлади).

Йиғитнинг турникка бўйи етмайди, ҳарбий кийим катталик қилади, хизматдошлари орасида қўлига қолади. Ҳарбий хизматдалигимда бу савол мени жуда азобга солган. Ваҳоланки, бошқа миллат аскарларини кўриб эжабланасиз. Шунда сизда беҳтёр савол туғилади: Ўзимизнинг йиғитлар нега пакана? (Ҳаммаси-ам албатта). Паканаларнинг ақсарияти қишлоқ йиғитлари. Ўйланиб қоламан. Нима, қишлоқдаги ота-оналар фарзандлари тақдирини ўйлашмайдими-а? Унтадан ошириб фарзанд кўришади. Лекин ҳаммаси данакдай, данакдай. Ҳозирги пайтда бўйи би-юз етмиши бир см бўлмаган йиғитларни меҳисаликки олмашимиз (тўғри қилишади).

Эҳтимол, паканаликнинг бошқа сабаблари ҳам кўпдир. «Илгарилари йиғитларнинг савлати аллiday-аллiday бўларди, ҳозирги ёшларга нима бўляпти?» Кексалардан шундай гапларни эшитиб қоламиз. Эҳтимол, борган сари одамларнинг ўзлари кичрайиб бораётгандир, бунга замон, муҳитнинг ҳам таъсири бордир. Нима бўлганда ҳам, эндиликда фарзандларимизнинг пакана бўлиб қолмаслиги учун қайғуришимиз керак. Зеро, юртимиз ўғлонлари Ватанини ҳимоя қила оладиган йиғитлар (узун-узун) бўлиши керак. Ешлигунда яхши парварчилаган ниҳол, келажакда ажойиб дарахт бўлади.

Зокиржон ШАРИФ

Бош муҳаррир:

Абдуқошим ИРИСБОЙ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадахон ЕҚУБОВ, Фарҳод РЎЗИЕВ, Муҳаббат ИБОДОВА,

Юсуф ЗИЕД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ, Рўзимат САФОЕВ, Абсалом УСАНОВ, Урол ҲАБИБОВ, Асқар АЛЛАБЕРДИЕВ, Абдумуталлиб РИЗОКУЛОВ, Мейли ЙУЛДОШЕВ.

Газетанинг ҳомийлари — Тошкентдаги СЭВИЖ тижорат жамияти, Муборак туманидаги «Хитой» давлат хўжалиги, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси, Сирдарё «Оқ олтин» дон маҳсулотлари корхонаси.

Тахририят келган хатларга эъза жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Ойла ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029, Мустақиллик майдони, 1-бино. Телефон: 39-43-95.

Нормурод МУСОМОВ навбатчилик қилди.

Обуна индекси 64654. Рўйхатга олиш № 33. Буюртма № Г-609. 21309 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми, 2 босма табоқ.